

Бону ёки Манзурабону тахаллуси билан калам тебратган бу шоира Нозимахонимнинг истеъдодли шогирдларидандир. Тошкентнинг собик Раис кўча махалласи (хозирги Хуршид кўчаси)да тугилди. Махалладаги эски мактабда ўкиб юрган вақтларидаёқ зийрак, аклли, кизикувчанлиги билан атрофдагиларнинг диққатини тортди. У Навоий, Фузулий ва Машраб шеърларини жуда берилиб мутолаа киларди. Ўзида ҳам калам тебратишга мойиллик сезгач, шеър машкига киришади. Манзурабону оиласига яқин қариндош — мактабдор шоира Нозимахоним уни ўз тарбиясига олгач, бўлажак шоира форс тили ва адабиётини, туркий халқлар адабиётларини кунт билан ўрганишга киришди. Тахминан ўн олти ёшларида Нозимахонимнинг маслахати билан Манзурабону тахаллусини қабул қилди. Манзурабону ўша йиллари анъанавий лирик услубда бир қанча газаллар ёзди.

Ёшлигидан Нозимахоним кўлида эркесварлик ва маърифатпарварлик гоёлари руҳида тарбияланган шоира 20-йилларда хотин-қизлар озодлиги мавзусида хароратли шеърлари билан майдонга чиқди. Фаол жамоатчи сифатида Тошкентда ташкил этилган Хотин-қизлар клуби ишларида қатнашди. Шоира «Янги йўл» рўзномаси ва кейинроқ шу номда чиқа бошлаган ойномада, «Шарқ хақиқати» рўзномасида мунтазам иштирок этиб турди. Кейинчалик шеърларини тўплаб қўлёзма девон тузди. Унинг қаламидан яралган талай газаллар ўзига хослиги билан диққатга сазовор. Шоира башарият учун азалий ва абадий мавзу бўлмиш асл одамий ишк-мухаббат борасида латиф тароналар яради. Улар одамлар қалбида оташин тугён ва масрур кечинмалар, ажиб саодатбахш қайфиятлар қўзғайди. Шу боисдан, Манзурабону газаллари эл орасида машхур ва манзурдир.

* * *

Эй, нозпарвар гул, сарви раъно,
Хусн ахли ичра макоми зебо.

Ул хури жаннат кулдур кошингда,
Гул юзларингдин хуршид хувайдо.

Холи хатингдин ўт тушди дилга,
Ёлғиз бошимга минг турли савдо.

Лайливашим сан, танда мадорим,
Бўлсам, ажаб йўк, Мажнуни шайдо.

Ул лола янглиг бағрим аро доғ,
Қилсам еридур ох ила гавго.

Зулфингни тори чулғаб танимни,
Хар сори судрар дашт ила сахро.

Мужгон ўкидин кўксумга санчиб,
Усру кўз ила килдинг тамошо.

Ёндурди хижрон, Манзурабону
Ошиклар ичра хам бўлди расво.

МАШРАБ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Билинг, ишк оташи, дўстлар, юрак-багрим нихон ўртар,
Бу тан мулкани вайрон айлабон хар дам ёмон ўртар,
Юрурман ишки водийси аро, жисмимда жон ўртар,
Агар ошиклигим айтсам, куюб жону жахон ўртар,
Бу ишк сиррин баён килсам, таки ул хонумон ўртар.

Кимам ишк йўлга по(й) урди, бўлибдур зору саргардон,
Куюн дашти аро бўлгай мисоли чугздек* хайрон,
Агарчи зохири одам, бўлибдур ботини бирён,
Кишига ишк ўтидин зарраи етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетокат, юрак-багри чунон ўртар.

Ўшал парвонадек, найлай, куюб-ёндим фирокингда,
Висол айёми на билмай, куюб-ёндим фирокингда,
Ўзим ахволими сўрмай, куюб-ёндим фирокингда,
Мани бехонумон тинмай, куюб-ёндим фирокингда,
Отинг тутсам, нигоро дебки, завкидин забон ўртар.

Жахон ошиклари ичра бу ишкимни аён айлай,
Фигону нола бирла андалибни безабон айлай,
Таъмагир, таънагир, зухход элига сад зиён айлай,
Каю тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларим нихон ўртар...

Фирокингда адо бўлдум, келиб холимни сўрмассан,
Очилгон гул эдим, сўлдум, келиб холимни сўрмассан,
Кўнгул гавгосидин тўйдум, келиб холимни сўрмассан,
Бу дард ила хароб ўлдум, келиб холимни сўрмассан,
Гаминг бошка, алам бошка, юрагимни фигон ўртар.

Кулингдур, Бонуни, ёр-о, ки васлингдан жудо килма,
Кечибдур дину имондин, ани кўб шунча куйдирма,
Гамингда марг бўлмушдур, яна якбора ўлдирма,
Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,
Агар махшарда ох урсам, бихишти жовидон ўртар.